


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАН 2-СОН КАСБ-ХУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

INOVAТOV I.SH., RAJABOV U.YA. Kuzgi bug'doyning hosildorligiga sug'orish tartibi va o'g'itlash me'yorini ta'siri buyicha olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlari natijalari va ularning tahlili	118
QURBONOV N. Yangi O'zbekistonda professional talim tizimi takomillashtiruvining muhim asoslari	122
РАХМАТОВА У.Д., НИЁЗОВА И.Н. Дуал таълим - профессионал таълим самардорлигини ошириш омили сифатида	126
ХОДЖАЕВ Н., АВЛИЯКУЛОВ А. Дуальное обучение в профессиональных образовательных учреждениях	130
МУХАММАДОВ С.А. Германия дуал (касб-хунар) таълимнинг ўрганиш соҳалари ва ўқитиш методлари	133
НОРОВ Н.Ф. Дуал таълимни ташкил этиш	135
ИМОМОВА С.Х., БОЗОРОВ Д.Т. Касб-хунар мактабларида профессионал таълимнинг ташкил этилиш	138
СНОРИЙЕВА Н. А. Professional ta'lim tizimida dual ta'lim texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlari	139
3-ШУЪБА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДУАЛ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО ТИЗИМИ	
ҒАФФАРОВ Ф. Дуал таълим тизимида тайёргарлик шароитларида ўқувчиларнинг баҳолаш компетенциясини шакллантириш	145
ХАЙДАРОВ Б.М. Ўқув амалиётларида Power Point тақдироти ёрдамида ўқувчиларнинг компетенцияларни шакллантириш	147
УСМОНОВ И. Профессионал таълим муассасаларида талабалар таълимни индивидуallashtirish imkoniyatlari	149
ABDURAXMANOVA SH.A., SULTONMURODOV A.A. Professional ta'lim tizimida o'rgatuvchi video darslarni qo'llash imkoniyatlari	153
НОРОВ Н., ЭШОНҚУЛОВ Б., ШУКУРЛАЕВА Г. Worldskills стандартлари бўйича мусобакаларни ташкил этиш	156
АВДИЙЕВ Ш. Dual ta'lim asosida tahsil oluvchilarning yuksak axloqiy sifatlarini shakllantirishning dolzarbligi	160
УСМОНОВА Б.Ш., МИРЗАЕВА С.И. Профессионал таълимда интерфаол методлардан фойдаланишнинг асосий омиллари ва методологик талаблари	162
ИМОМОВА С.Н. Professional ta'lim tizimida o'quv mashg'ulotlarini tashkil etish bo'yicha zamonaviy metodologik talablar asosida ta'lim texnologiyalarini tuzish va ulardan samarali foydalanish	167
TOSHNOVA G.J. Innovatsion metodlarni qo'llashning psixologik jihatlari	173
АЗИМОВА М.Б., БОТИРОВ Ж.С. Хунармандчилик амалий санъатнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти	175

4-ШУЪБА. ИЛГОР ЖОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР, ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДОЛОГИК ТАЛАБАЛАР АСОСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ КОНЦЕПУАЛ АСОСЛАРИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КРЕАТИВЛИК ЁНДАШУВ ВА ИНТЕГРАЦИЯ	
ДЖАНАЛИЕВА Г.А. Илгор хорижий тажрибалар асосида профессионал таълим муассасалари дарсликларини яратишнинг ўзига хосликлари	179
ХАЙИТОВ Ш.А. XIX аср – XX аср бошларида ўлкамиздаги техника мактаблари тажрибаси тарихидан	180
КЛИЧЕВА Г.О., КЛИЧЕВА Д.О. Профессионал таълимда педагогик компетентлик ва креативликнинг назарий асослари	183
МУСТАФОВЕВ З.К. Технологик таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш	185
АДИЗОВА С.Ю. Инновацион ёндашув асосида бўлажак мутахассис кадрларда касбий сифатларни таъинфлаш	187
АВЕЗОВ Н.Т., JO'RAYEVA.T. Eritmalar mavzusiga oid masalani turli usullarda yechish orqali o'quvchilarda interaktivlikni oshirish	190
ХОДЖАЕВА Н., МАМУРОВА Ф. Уч ўлчовли компьютер графикасини ўқитишнинг асосий максადи	192
АВЕЗОВ Н.Т., ТЕМІРОВ F.F. Chiqindilardan ikkilamchi xom ashuo sifatida foydalanish ekologik vaziyatni yaxshilashning omili sifatida	195
ХОЛОВА Г.К. Технологик таълимни ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси	196
НАСИМОВА Х.А. Бухоро илк матбуотида таълим ва тарбия тарихидан ("Турон" газетаси материаллари асосида)	198
ХАУРУЛЛОЙЕВА Z.B. Yoshlarda kitobxonlik madaniyatini shakllantirish	201
ЮСУПОВА М.Ў. Бухоро маросим таомларининг умумий тавсифи ва таснифоти	202
ТУРСУНОВА У.О., ДЖУРАЕВА Н. Рациональное использование масла зародышей пшеницы в жирымучном продукте	205
МАРДОНОВ У.Э., МАЖИДОВА Н.К. Исследование гидрогенизации хлопкового масла на стационарных катализаторах	207
ХАИТОВ Х.А. Замонавий таълим тизими ривожига кулги маданияти ва санъати муҳим омил сифатида	209
SHARIPOVA M.M. MTGda bolalarni maktab ta'limiga ta'uyotlashda kompetensiyaviy yondashuvlar	212
АХМАДОВ О.Ш. Тараққийпарварларнинг бухорода таълим-тарбия тизимини ислох қилишга қаратилган го'я ва қарашлари.	214
ЭЛОВА Д.Д. XIX аср охири – XX аср бошларида туркистонда гидромелорация соҳасида янги техникаларнинг кириб келиш тарихидан	217

хосил бермайдиган, мевасиз дарахтга ўхшайди, ундайларнинг жамиятга фойдаси тегмайди, аксинча зарари тегади.

Даржакикат, олим таъкидлаганидек, ҳар бир хунарманд ўз хунарини камолга етказиб уни халққа билдириб, юзага чиқаришга интилиб яшаши керак.

У “яна меҳнат қилмай, дангасалик билан кун ўтказган одам бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам обрў топа олмайди” - деб ёзганди. Мутафаккир фикрича, ҳар бир муслмон одам энг аввал ўзига зарур бўлган илмларни ўқизи фарзидир. Шундан сунг тирикчилик учун бирор касб-хунар урганиши лозим.

У касб-хунарнинг энг улуғи мударрислик ҳақида шундай ёзганди: “Юраклари дунё ғаразларидан пок бўлиб, мударрислик, муаллимлик хизматларини қилсалар, бундан улуг касб йўқдир”.

Ахмад Дониш касб-хунар ва унинг фойдалари ҳақида гапирар экан, меҳнатсеварликни, ҳалолликни улуглаб, ялқовлик ва дангасаликни кескин қоралайди. Ялқовлик ва дангасалик билан умр кечирган одам инсоният шарафидан ажралган бўлиб, икки дунёда ҳам зиён кўражагини билдиради.

У ўз даврида халқ ўртасида тарақсий топган хунарлар - заргарлик, темирчилик, дурадгорлик, тўқувчилик, тиқувчилик эканлигини санаб ўтган.

Дехқончилик соҳасида эса, қўчат қўнайтириш, пайвандчилик, богбонлик шундай хунарлардан эканлигини билдириб, буларнинг барчаси тирикчилик учун керакли касб-хунарлардир деб, дунё ободонлиги учун уларни қилиш зарурлигини уқтиртганди.

Ахмад Дониш касб-хунар ва илм, юксак ахлоқийлик, қомиллик инсонни мўътабар ва азиз, бахтли ва саодатли қилишини, яхши ўйлаб, қунг билан эғалланган касб-хунардан ҳақиқий “бахт қошонасини қўриш” мумкинлигини ёш авлодга уқтириб ўтган.

Маълумки, Ахмад Дониш яшаган тарихий босқич Бухоро амирлиги чуқур иқтисодий, сиёсий, маданий инқирозни бошдан кечирган даврга тўғри келди. Амирлик ҳукуматида фаолият олиб борган шайх ва уламолар, турли мансаб эгалари (қозилар, муфтилар, беклар, кишлоқ оксоқоллари-дисс.) алдов, порахўрлик, лаганбардорлик, иккиозламачилик каби иллатлар ботқоғига ботиб қолган эдилар. Улар ҳақида фикр билдириб Ахмад Дониш: “Мен кўряпманки, шайхлар-ёлгончи, уламолар-порахўр. Менинг ўзим ҳақиқат йўлини топа олмай қолдим, ақлимга синдира олмайманки, ҳақиқат йўли ёпиқ, алдамчиликнинг-қатта йўли очик, бундай-ҳолатнинг моҳиятини тушуна олмай қолдим” - деб ёзганди.

Юқори мартабали кишиларнинг барчаси “муаллим” - деб ағалувчи улуг зотнинг қўлида таҳсил олаётгани, уларга масжидлар қошида амал қилиб турган бошланғич мактаб ўқитувчилари, сўнгра эса мадраса мударрислари таълим бераётганлиги маърифатпарварни ташвишга солганди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ахмад Дониш - XIX асрнинг буюк мутафаккири ва тараққийпарвари” мавзусида Республика илмий-назарий конференция материаллари. - Бухоро-2007. - Б.
2. Шоёв А. Афкори панду ахлоқии Ахмади Дониш дар Наводир-ул вақоёъ / Ахмад Дониш и общественно-политическая мысль народов Средней Азии во второй половине XIX - начале XX веков
3. (Посвящается 190-летию Ахмада Дониша): рус ва тожик тилларида; Душанбе, ОАО, “Чопхонаи Дониш”: 2017. - С.306-312.
4. Ахмад Дониш. Наводур-ул вақоё (Нодир воқеалар): -Т.: Фан, 1964. -Б. 75.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ГИДРОМЕЛЮРАЦИЯ СОҲАСИДА ЯНГИ ТЕХНИКАЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШ ТАРИХИДАН.

Д.Д.Элова-БухДУ1-босқич докторанти

Туркистонда фаолият юритаётган арик - оксоқол, мироблар янги шаронг талабларига жавоб бера олмаётганлиги сугориш ишларида пиримитив техника воситаларидан фойдаланилаётганлиги рус мабуотида танқид остига олинганли. Сувдан рационал фойдаланиш ва деҳқончилик ишларини тартибга солиш ишлари 1870 – йиллардан бошланиб, 1888-йил 2-августда “Сувни тартибга солиш”га қаратилган махсус Низом қабул қилинди. Ушбу низомда гидротехника ва гидромелюрация ишлари, канал ҳамда ариқлар сувидан рационал фойдаланишни ташкил этиш ирригатор ва унинг 2 та техник ёрдамчиси зиммасига юклатилди.⁶ Эски ариқларни тозалаб қайта ишга тушириш, янги канал ва ариқлар қазиб бўш ерларга сув чиқариш, каналларни қазиб, сувни техник воситалар ёрдамида юқорига кўтариб бериш каби тадбирлар учун техник воситалар зарур еди. Кетмон ва лапатада бажариладиган ишларнинг унумдорлиги паст бўлиб, яна узок вақтни талаб қиларди. Россия маркази ва хориждан 1890–йилларда арик ва каналларда оқадиган сув хажмини ўлчовчи мослама (асбоб) олиб келинган. Улар каналларнинг ҳар бир қақирим (950-1000м) жойига ўрнатилиб, сув миқдорини ўлчаб турган. Самарқанд вилоятида Қора арик ва Оқ ариқда ушбу асбоб билан аниқланишича, 32 кубфут сув оқиб, бу сув 600 десятина ерни сугорган. XIX аср охирида канал ва ариқларни қазилда ишлатиладиган машина ва ускуналар, сувни юқорига кўтариб берувчи механик кўтаргич, буғ машинаси каби техникалар ўлгага кириб келди.⁷

Айниқса, механик кўтаргич орқали сувни арик ва каналлардан 5-7 аршин (1 аршин -71 см) юқорига жойлашган екин ерларига етказиш борасидаги ишлар еътиборга лойик бўлди. 1905–йилда Каспийорти вилоятининг Тешен уездида генерал фон Бекман механик кўтаргич билан 500 десятина, Мухандис Арсеян – 500 десятина, “Арис К” савдо фирмаси –700 десятина, Н.Н.Сорокин - 300

⁵ Ахмад Дониш. Главы из книги “Редкостные-собакия” / В кн: Путешествие из Бухары в Петербург.- Сталинабад 1960. – С.226.

⁶ Сижельников Н. Орошение в средней Азии // ТС.-Том. 496-С.112.

⁷ Валерий Правдив. Роль русской колонизации // Туркестанские ведомости, 1907.-Н132.

десятина, жаноб Бутаев – 100 десятина, хўжандлик сарб (Ўзбек) Пўлатжон Қосимбойев – 60 десятина ерга сув чиқарди. Механик кўтаргичлар 1898-1903 йилларда ўнлаб магистрал каналлар ва уларнинг тармок ариқларида ўрнатилди. Юқоридаги йилларда каналлар казиш ва механик кўтаргичларга 1.457.637 рубль сарфланди. 1.720 чакирим каналлар казилди”- деб маълумот беради, “Туркистон тўплами”.⁸

Юқорига сув чиқаришда буг билан ишлайдиган двигател, нефть двигатели каби янги техникалардан фойдаланиш ҳам жорий этила бошланган. Буг двигатели (машинасидан империянинг барча деҳқончилик хўжаликларидан кен фойдаланилган. Жумладан, Самара ва Войска – Донско губерналаридан 1 десятина ерга сувни буг машинасида кўтариб беришда 30 рублга, айрим ноқулай ва баланд жойларда 72 рублдан 100 рублгача, ҳатто ўртача 57 рублдан 125 рублгача харажат килинган. Тбилисида (Кавказорти) буг машинаси билан сувни 30 метр юқорига кўтариб бериш 200 рублга тушган. Кавказдаги айрим уездларда бу 333 рублга ҳам тушарди. Сирдарёда 1 десятина ерга сув кўтариб бериш 60 рублдан 100 рублгача тўғри келган. Харьков губерниясида болгарлар 1 десятинадан ерни сугориш ижарасига 35 рублдан 60 рублгача, Ростовда 80-100 рубль олишган.⁹

Буг двигатели билан сувни юқорига кўтариб бериш кимматлиги туфайли Россиядан ўлкага келтирилган Сифон-Елеватордан фойдаланилган. Сифон – Елеватор билан Сирдарё сувини 2-10 аршин юқорига кўтариб бериш (1 десятина ерга) 35 рублга тушган.¹⁰

Буг билан ишлайдиган двигател ва Сифон – Елеваторлардан нафақат пахта ва донли (бошоқли) екин майдонларига, балки богдорчилик, полизчилик ва сабзавотчилик билан шугулланилган деҳқончилик хўжаликларига ҳам сув кўтариб берилган. XX аср бошларида кўплаб “Сифон – Елеватор Лемител N10” маркали мосламалар ўлкага келтирилиб, улар 1200 десятина ерга сув чиқарса, ҳар бир десятинасига харажат 25-55 рублдан тўғри келган. Битта Сифон-Елеватор 2-13 аршиндан сув чиқариб, 40 та деҳқон хўжалигини сув билан таъминлай олган.¹¹

“1914-йилда Бухоро амирлигида “Арпаоя намунали хўжалиги” ташкил этилган бўлиб, у пахтачилик, богдорчилик, чорвачиликка ихтисослашганли. Ушбу хўжаликка сув чиқариш муаммо ҳисобланиб, унинг экин ерлари 14, 75 сашин (1 сашин-70см) баландликда жойлашганли. Шу сабабли ҳар 1 десятина ерга сув чиқариш 200-250 рублни тақозо қилган. Бу ҳудудга Мальцев акционерлик жамияти заводнинг буг билан ишлайдиган двигатели ёрдамида сув чиқарилган. Мутахассис муҳандислар буг двигатели ўрнига нефть двигатели

⁸ Гидротехническая изыскания переселенческой организации // ТС. Том. 495.-С.494.

⁹ Петр Комаров. Ещё о колонизации //ТС; Том.440.-С.79-80.

¹⁰ УМА; И-27 фонд, 1-рўйхат, 443 йингма жилд, 68-варақ.

¹¹ Питер Комаров. Ещё о колонизации //ТС; Том. 440.-С.81.

ўрнатишни тақлиф этишганли. Бирок бу тақлиф амалга ошмай, сув чиқариш муаммосини ҳал этолмаган Арпаоя намунали хўжалиги мулклари 1916-йилда ким ошди савдосида сотиб юборилган”,- деб ёзади тарихчи олима С.Шахманова. Мустамлака йилларида Туркистонда дренашлар оркали тупроқ унумдорлигини яхшилаш, арзон ва қулай йўл билан сув ресурсларидан фойдаланиш, гигиеник қондаларни йўлга қўйиш чора – тадбирлари ҳам кўрилган. Дренашлар ёпик ва оқик бўлиб, мутахассис муҳандислар ёпик дренашлар куришни тавсия этишган. Оқик дренашлар киммат, йилда ҳеч бўлмаганда бир марта таъмирлашга тўғри келадиган ҳамда тезда трубаси балчик билан тўлиб қоларди. Арзон бўлган ёпик дренаш трубаларини ўрнатиш, кесниш, бирини иккинчисига улаш мақсадида махсус станок ва асбобларга, техника жихозларга ехтиёж мавжуд еди. Шу мақсадда трубани кесадиган станок, металл кесувчи винтли пресс, бири иккинчисига уланган трубани мустаҳкам ушлайдиган шкифли металл қисқич кабилар ҳам ўлкага техник воситалар сифатида кириб келганли.¹² Туркистонда гидротехник ва гидромелорация ишларини давр талаби асосида йўлга қўйишда 1902-йилда Тошкентда агроном А.И.Шахназаров ташаббуси билан очилган “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мактаби” ҳамда Р.Шредер ташкил этган “Богбонлар мактаби” кабилар ҳам аҳамиятли бўлди. Гидротехниклар мактабида арифметика, геометрия, рус тили, диншунослик(Хузо қонунлари) Сарб (Ўзбек) тили, қонуншунослик, метрология, физика, ботаника, махсус маданият, ёғочозлик, полизчилик, геодезия, курилиш маданияти кабилар ўқитилган. Мактабда ўқиш мuddати уч йил бўлиб, камида икки йиллик шаҳар билим юртини битирганлар ўқишга қабул қилинган. Икки йил назарий билимлар берилган, учинчи йил еса тўлиқ амалиёт бўлган. Мактабни тугатганлар арик-оқоқол ёки мироб лавозимини эгаллашган. Мактабда бошлик, икки ўқитувчи фаолият юритиб, слесар асбоб-уқунчалари устахонаси ҳам мавжуд бўлган. Мактабнинг йиллик харажати 7000 рубль бўлиб, 4500 рубль давлат хазинасидан, қолган маблағ еса Туркистон ўлкаси Земство маблаглари ҳисобидан қопланган.¹³ Мактабдаги устахонада 331 рубллик янги техника воситалари бўлган.¹⁴ Мактабда 19 кишилик интернат мавжуд еди. Шунингдек, мактабда Европа миллати ва маҳаллий аҳолининг фарзандлари таҳсил олиб, ўқувчилар сони 35-45 кишидан ошмаган. Гидротехника мактабида мавжуд бўлган мол-мулклар 1909-йилда 9000 рублни ташкил этиб, гидротехник асбоб-уқунчалар мактаб устахонасида анчагина микдорда тўлланганли. Қишлоқ хўжалиги гидротехника мактаби ўзининг ер майдонига ҳам эга бўлган. Пишпек ва Копалда фаолият юритган қишлоқ хўжалик мактаблари Тошкентдан узоқ масофаларда (500,1300,чакирим) жойлашган бўлсада, уларга агрономлардан А.И.Шахназаров, С.Б.Понятовскийлар бир неча бор ташриф буюриб, гидротехника, гидромелорация йўналишларида маърузалар қилишган. Бирок бу мактабларда

¹² М.К. Ешё о дренажном вопросе // Туркестанское сельское хозяйство. 1915. – Н3.-С.28-30.

¹³ УМА; И-27 фонд, 1-рўйхат, 443 йингма жилд, 68-варақ.
219

моддий-техник база ожиз бўлиб, амалиёт учун янги техника воситалари, малакали мутахассис кадрлар етишмаган.¹⁴

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда гидромелорация ишларини кенг йўлга қўйиш, янги техника воситаларини ўлкада жорий этиш ишларига қанчалик империя ва маҳаллий маъмурлари уринишмасин, талаб даражасида емасди. Янги техникалар оз бўлиши билан бирга, уларнинг нархи баланд эди. Шу сабабли суғориш ишлари, асосан деҳқонлар томонидан олдий меҳнат куруллари (кепмон, папата) орқали бажариларди. 1908-1909 йилларда Туркистон ўлкасини тафтиш этган граф К.К.Пален: “1900-1908 йилларда ўлкада қишлоқ хўжалиги маданиятини юксалтиришга ўртача ҳар йили 550 минг рубл сарфлангани етарли эмас, тажриба ишлари, қишлоқ хўжалигидан маълумот бериш, меҳнат куруллари, машина, умуман замонавий қишлоқ хўжалигини тараққий еттириш учун ҳар йили ўртача 63.500 рубл сарфланиши керак¹⁵ деб тақлиф билдирган. К.К.Пален “қишлоқ хўжалиги кооперациялари” орқали янги техникани деҳқонлар эркин, хоҳлаган пайтда сотиб олиши, уларга узоқ муддатли кредит эвазига сув кўтаргичларни сотиш зарур деб ҳисоблаганди. 1911-йилда Туркистонда 31 та кредит биродарлиги уюшмаси бўлиб, унинг 4 минг аъзоси бўлса, 1917-йилда 833 кредит биродарлиги уюшмаси фаолият юритиб, 194 мингта аъзоси бор эди. Улар деҳқон хўжаликларига 51 млн рубл микдорда 12 фонизлик тўлов шарти билан кредит берганди.¹⁶

XX аср бошларида рус гидротехниклари ер ости сувларидан фойдаланиб артезиан қудуқлар орқали суғориш ишини йўлга қўйиш учун бургилаш мосламасини ўлкага олиб келишди. Рус инженерни Магисев ушбу асбоб ёрдамида 1 десятина ерга сув чиқариш 64 рублдан 31 рублга тушишини Дашт чўл ҳудудда амалда синовдан ўтказди. Унинг ҳисоб-китобича агар деҳқон ҳар бир десятина ердан ўртача 100 рубл фойда олса, бургилаш мосламаси билан артезиан ҳудудлардаги сув орқали ерларни суғориш аҳамиятли бўлади ва меҳнат унумдорлиги ҳам ошади.¹⁷ Унинг фикрича, 1910-йилдан бошлаб ҳар йили ирригация ва мелорация ишларига кўчирилган аҳоли учун 6-7 млн рубл микдорда маблаг сарфлаш аҳамиятли ҳисобланган. XIX аср охири – XX аср бошларида кириб келган сув ва бут, нефт двигателлари, сифон-элеаторлар, дренаж куриш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар деҳқонлар меҳнатини бир қадар енгиллаштирди ва деҳқончилик маданиятининг ўсишига маълум маънода хизмат қилди. Улар туфайли меҳнат унумдорлиги ошиб, тупроқнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, бўш ерларга сув чиқарилиб, экин майдонлари кенгайди, хосилдорлик ошди. Бироқ, янги техника воситаларидан асосан Туркистонга кўчирилган аҳоли вакиллари фойдаланган. Асосий мақсад ўлкадаги келгиндилар

қўжалиги маданиятини кўтариш мақсади кўзланганлиги империя маъмурлари томонидан очик айтилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сижльников Н. Орошение в средней Азии. // ТС.-Том. 496-С.112.
2. Правдив В. Роль русского колонизации. // Туркестанские ведомости, 1907. - №132.
3. Гидротехническая изыскания пресемической организации // ТС. Том. 495. -С.494.
4. Комаров П. Ещё о колонизации. // ТС; Том.440.-С.79-80.
5. УМА; И-27 фонд, 1-руйхат, 443- йилга жилд, 68-варақ.
6. Комаров П. Ещё о колонизации. // ТС; Том. 440.-С.81.
7. М.К. Ещё о дренажном вопросе // Туркестанское сельское хозяйство. 1915. - №3.-С.28-30.
8. М.А.Сельско-хозяйственно-гидротехническая школа в Ташкент //ТС; Том.507.-С.15.
9. Шахназаров А.Сельское хозяйство в Туркестанском крае. Санкт-Петербург.-1908.-С.86-107.
10. Сельско-хозяйственное образование в Туркестан. // ТС.Том.542.-С.141-143.
11. Махмудова Н.Б. Развитие административного управления социально-экономических процессов в колониях Туркестане в начале XX века (по материалам ревизии. Сенатора К.К.Палена). –Т.: Фан. 2015.-С. 106-107.
12. Махмудова Н.Б. Ўша китоб.-Б.100-101.
13. Ирригация в Туркестан // ТС. Том. 535.-С. 44-45.
14. Shodmonovich A.O. Education in the emirate of bukhara (based on the life and work of the rulers) //ACADEMIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2020. – Т. 10. – №. 12. – С. 1224-1227.

TA'LIM TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA AJDODLAR MEROSINING ROLI

Rahimova D.A. – Buxoro shahridagi 20-maktab o'qituvchisi, Azimova K.K. Buxoro shahridagi 12-maktab o'qituvchisi.

Ulug' avliyo va ulamolar yurti Buxoroyi – sharif vatandoshlarimiz hamda xorijdan tashrif buyurgan sayohlar uchun muqaddas ziyoratgohdir. Buxoroga qadami yetgan har bir kishi "yeti pir ziyorati"ni yuragida maqsad qilib qo'yadi, desak xato qilmaymiz. "Silsilati sharif"da keltirilishicha 114 xalifi (shogirdi, muridi, o'rinbosari) bor bo'lgan Sayid Mir Kulol (1288 – 1372 yy) shogirdlari va o'ziga murid tutunganlarni doimo sinovdan o'tkazgan. Tasavvufga oid tadqiqotlar olib borgan olimlardan E.Bertels, A.A.Semyonov, Z.Y.Vohidov, Orif Usmon, N.Yo'ldoshev, Sadrididdin Salim Buxoriy asarlari bilan tanishar ekanmiz, Xoja Muhammad Boboiy Samosiy (vafotlari 1354 yil) Xoja Bahovaddin Naqshbandiy – Muhammad ibn

¹⁴ Сижльников Н. Орошение в средней Азии // ТС.-Том. 496-С.112.

¹⁵ Валерий Правдив. Роль русского колонизации // Туркестанские ведомости, 1907.-№132.

¹⁶ УМА; И-27 фонд, 1-руйхат, 443 йилга жилд, 68-варақ.

¹⁷ Питер Комаров. Ещё о колонизации // ТС; Том. 440.-С.81.